Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 115 (5976).

14 ИЮНЬ СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Марказий статистика бошқармасига қарашли Бутуниттифоқ «Союзсчеттехника» бирлашмаси билан Ўзбекистон ССР госплани ҳузуридаги «Узглавмеханизация» республика бирлашмаси корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орденлари ҳамда медаллари била нмукофотлаш тўғрисида

1976 йилги планни ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда эришилган муваффақиятлар учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Раҳматов Исмоил — Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги «Узглавмеханизация» республика бирлашмасининг Бош директори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Сидоров Олег Александрович — Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги «Узглавмеханизация» республика бирлашмасига қарашли Тошкент экспериментал машинасозлик заводининг электромонтёри.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Коноплев Михаил Егорович — Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги «Узглавмеханизация» республика бирлашмаси Давлат лойиҳа конструкторлик технология бюросининг слесари.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Акимов Петр Григорьевич — Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги «Узглавмеханизация» республика бирлашмаси Давлат лойиҳа конструкторлик технология бюросининг слесари.

Шчейкин Павел Васильевич — Тошкент ҳисоб техникасини ремонт қилувчи ва уларга техника хизмати кўрсатувчи тажриба заводининг электромеханиги.

Утвержден Указом Президиума Верховного Совета СССР от 27 мая 1977 г.

ГИМН СОЮЗА СОВЕТСКИХ СОЦИАЛИСТИЧЕСКИХ РЕСПУБЛИК

Текст С. МИХАЛКОВА и Г. ЭЛЬ-РЕГИСТАНА

Музыка А. АЛЕКСАНДРОВА

Союз нерушимый республик свободных
Сплотила навеки Великая Русь.
Да здравствует созданный волей народов
Единый, могучий Советский Союз!

Славься, Отечество наше свободное,
Дружбы народов надежный оплот!
Партия Ленина — сила народная
Нас к торжеству коммунизма ведет!

Сквозь грозы сияло нам солнце свободы,
И Ленин великий нам путь озарил:
На правое дело он поднял народы,
На труд и на подвиги нас вдохновил!

Славься, Отечество наше свободное,
Дружбы народов надежный оплот!
Партия Ленина — сила народная
Нас к торжеству коммунизма ведет!

В победе бессмертных идей коммунизма
Мы видим грядущее нашей страны,
И Красному знамени славной Отчизны
Мы будем всегда беззаветно верны!

Славься, Отечество наше свободное,
Дружбы народов надежный оплот!
Партия Ленина — сила народная
Нас к торжеству коммунизма ведет!

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари **Р. Қ. Қамбаров**, район ижроия комитети раисининг ўринбосари **Х. Аҳмедов**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союз район комитетининг раиси **С. Исмонлов**, район комсомол комитетининг секретари **И. Жалилов**, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Ж. Х. Ҳайдаров**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори **Э. Х. Халилов** ўртоқлар) берилди. Бу районда давлатга сабзавот топшириш йиллик плани 30,6 процент, картошка сотиш 9.5 процент, мева сотиш 10,4 процент бажарилди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районидаги «Хасково» совхозига** (директори **Т. Бекматов**, партия ташкилотининг секретари **Ш. Хўжаев**, ишчилар комитетининг раиси **К. Комилжонов**, бош агрономи **А. Ханзодян** ўртоқлар) берилди. Совхозда давлатга сабзавот топшириш йиллик плани 36,8 процент бажарилди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент районидаги Навоий номли колхозига** (раиси **Н. Бойматамедов**, партия ташкилотининг секретари **Ш. Абдуазимов**, бош агрономи **Г. Валиев** ўртоқлар) берилди. Бу колхозда давлатга сабзавот топшириш йиллик плани 57.3 процент бажарилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Калинин районига, Калинин районидаги «Хасково» совхозига. Тошкент районидаги Навоий номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

СИФАТ ШАЙДОСИ

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

У ишлаётган цех мўъжизали туюлади кишига. Қаёққа қарамаиг, ранглар жилваси: қизил, кўк, сариқ, пушти, ҳуллас, баҳор осмонининг ёйи ўзида қанча ранг жойлаган бўлса, ҳаммасидан бор. Газламалар. газламалар. Гуллари ҳам ҳар хил, ранглари ҳам. Улар орасида юрган қизлар шу ранг ва гулларга монанд. Эпчиллик билан тўп-тўп чит, сатин, сурп каби охорли матоларни саралашаяпти. Нуқсони сезилса, дарҳол тўпдан ажратишяпти. Қиздардан бири ўзининг чаққон ва енгил ҳаракатлари билан эътиборимизни тортди. Ёшгина, йигирмадан сал ошган кўринади. Гаплари мулойим, муомиласи ҳам жуда ширин.

— Гулларни негадир жуда яхши кўраман, — деди Қимматой Беккузина хиёл жилмайиб, — ҳовлимиз ҳам, мен ўқиган мактаб атрофлари ҳам гулларга кўмилган эди. Ранглари севишим ўшандан бошланган. Магазинларга киранимда хилма-хил рангда товланган газламаларни кўриб лол қолардим, қаршисида хаёл суриб узоқ вақтлар қолиб кетардим. Худди ўша кунларнинг бирида комбинатга экскурсияга олиб боришди. Бир кўришдаёқ пардозлаш фабрикаси цехларидаги ишларга мафтун бўлиб қолганман. Қаттиқ ният қилдим шу ерга ишга келишга. Тошкентдаги 9-ўрта мактабни битириб, аттестат олдим-у, фабрикага кириб келдим.

Қимматой аҳил, ишчилар оиласининг илиқ оғушида бўлди. Дастлабки кунларданоқ техника назорати бўлимининг бошлиғи Елена Грудницкая билан мастер ёрдамчиси Зина Пономаревалар ёшларнинг чинакам ғамхўри, ишлаб чиқаришнинг ажойиб ташкилотчилари эканликларини кўрди. Уларга қаттиқ ихлос қўйди, цех ишлари сирларини тез ўрганишга аҳд қилди.

Бир куни қиз ОТК хонасига ийманибгина кириб келди.

— Келинг, қизим, — ўрнидан туриб илиқ қаршилади Елена Константиновна.— Хўш, ганираверинг, қизим, тортинманг.

Мулозиматдан руҳи кўтарилган қиз мақсадини айтди:

— Иложи бўлса, опажон, сараловчиларга шогирд бўлсам. Тахловчиликка эса сира мослаша олмаяпман.

— Бизнинг мўлжал ҳам шундай эди. Янаги ҳафтадан бошланади. Шунга сизни ҳам ёзиб қўяман. Курсни битириб, сараловчи-назоратчи бўлиб етишасиз.

Раҳмат, опажон, сира унутмайман яхшилигингизни, — кўзлари қувончдан порлади қизнинг.

Ҳаш-паш дегунча курсда ўқиш ҳам ўтди. Елена Константиновна курсни «аъло» баҳога битирган Қимматойни Зина Пономарёва ҳузурига бошлаб келди.

— Мана, сизга шогирд. Зўр назоратчи чиқади бу қиздан, — деди қулиб.

Қимматой ўзи севган ишга қизғин киришиб кетди. Иш кўнгилдагидек борарди. Бироқ, ишининг иккинчи ҳафтасида, кўнгилсизлик юз берди. Бир тўп газламадан нуқсон топилгани ҳақида корхона маъмурияти норозилик акти тушди. Текширишда бу нуқсон Қимматой қўлидан ўтгани аниқланди. Қаттиқ чора кўрилмаса ҳам ёш ишчи шу қадар ҳижолат бўлдики, ўртоқлари юзига бир неча кун қарай олмади. Унинг ҳолини тушунган устози Зина опа кўнглини кўтарди.

— Энди эҳтиёт бўл, янглиғинг, ёшлигинг учун биринки бор кечириш мумкин. Лекин қанақа одам бўлишинг кўпроқ ўзингга, ҳаракатингга боғлиқ. Шуни ҳам эсдан чиқармагинки, қизим назоратчи деган сўз корхона шарафининг ҳимоячиси дегани...

Қимматой ўшанда яна ҳам жиддий ўйланиб қолди: «Қанақа одам бўлишинг кўпроқ ўзингга боғлиқ», «Назоратчи—корхона обрўйи учун курашувчи».

Шу кундан бошлаб, ёш назоратчи ўз устозига тенгдош мурожаат қиладиган, ишчилар билан кўпроқ маслаҳатлашадиган бўлиб қолди. Ишдан кейин уни кўпроқ цехда кўришар, қандайдир юмушни бажараётганига гувоҳ бўлишарди...

Қимматой сидқидилдан ишлай бошлади. Йил, ой сайин эмас, кун, ҳафта сайин камол топа берди. Номи бутун пардозлаш фабрикасига ёйилди. Социалистик мусобақанинг доимий пешқадами бўлиб қолди. Ойлик планларини мунтазам равишда 120-130 процент бажараётган моҳир назоратчи корхона машъалларининг ташаббусига қўшилиб, шахсий беш йиллик планини уч ярим йилда, юбилей йили планини эса 7 ноябрь кунигача уддалашга аҳд қилди.

— Қимматой бригадамизнинг фахри, ҳамма қизлар ўшандай илғор, чаққон бўлишга интилади. Ўз навбатида Қимматой ҳам бригада қизларига қўлидан келганча ёрдамлашади. Коллектив учун ҳеч нарсасини аямайди. Унинг яқиндан ёрдами билан Васила Назарова, Ҳабиба Қосимова, Татьяна Лобадина илғорлар сафидан ўрин олишди. Жонсарак назоратчимиз, коммунистик меҳнат зарбдори Қимматой Беккузинанинг КПСС аъзолигига кандидатлик даври тугаяпти. Яқинда уни КПСС аъзоси деган муқаддас ном билан қутлаймиз деган умиддамиз,— деди ифтихор билан назоратчи-сараловчи комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Оля Пичугина.

Ёш ишчининг орзулари бир олам. У ўз ишининг чинакам мутахассиси бўлиб етишиш учун астойдил ҳаракат қиляпти. Ишлаб турибТошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида сиртдан ўқимоқда, комбинатдаги жамоат ишларида фаол қатнашмоқда.

Ана, Тошкент тўқимачилик комбинати дарвозасидан тўп-тўп матолар ортилган машиналар карвони чиқиб келяпти, пухта ўралган газламалар қатор-қатор вагонларга ортиляпти. Уларнинг ҳаммаси кўркам, аъло сифатли, миллионлаб меҳнаткаш кишиларимизни кувонтириши турган гап. Халқимизнинг ана шу қувончида пардозлаш фабрикасининг моҳир сифат назоратчиси Қимматой Беккузинанинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Собир ЖЎРАЕВ.

КУН ТАРТИБИДА— СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ

КПСС Марказий Комитетининг пропагандистлар группаси Ўзбекистонга келди. Улар СССР янги Конституциясининг лойиҳасини, партия Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссияси раиси ўртоқ Л. И. Брежнев докладидаги қоидалар ва хулосаларни меҳнаткашларга тушунтириш юзасидан республика партия ташкилотлари олиб бораётган ишда қатнашадилар.

13 июнь куни Тошкентдаги билим уйида КПСС Марказий Комитети пропагандистлар группасининг аъзолари иштирокида идеология ходимлари активининг семинар-кенгаши ўтказилди. СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, юридик фанлар доктори В. А. Патюлин СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социализм давлатининг асосий қонуни тўғрисида, СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири, юридик фанлар доктори В. М. Савицкий СССР Конституциясининг лойиҳаси ва социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш проблемалари ҳақида, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг лектори Г. В. Сапов КПСС иқтисодий сиёсатининг актуал масалалари тўғрисида, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходими Г. М. Шапкин халқаро аҳвол ҳақида тўпланганлар ҳузурида лекция ўқидилар.

(ЎзТАГ).

ТУРМУШ МАДАНИЯТИГА— ПАРТИЯ ҒАМХЎРЛИГИ

13 июнь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида аҳолининг турмуш маданиятини ошириш республика кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда социал-тараққиёт, меҳнаткашларнинг маданий даражасини ўстириш масалалари кўриб чиқилди, булар СССР янги Конституциясининг лойиҳасида, КПСС Марказий Комитетн Бош секретари, Конституция комиссияси раиси ўртоқ Л. И. Брежнев докладида ўз ифодасини топган.

Кенгаш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика колхоз ва совхозларида ҳутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори областда қандай бажарилаётганлиги ҳақида Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Ҳайдуровнинг докладини тинглади.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов кенгаш мажлисида уй-жой фондини, маданий-маиший ва жамоат биноларини сақлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида ахборот берди.

Кенгаш республика шаҳарларида ва қишлоқ жойларида кооператив уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Д. Мухортов ва «Узколхозстрой» бирлашмасининг Раиси И. А. Ашуров доклад қилдилар.

Ш. Р. Рашидов мажлисда сўзлаган нутқида КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорлари, СССР янги Конституциясининг лойиҳаси турмуш маданиятини оширишни талаб қилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Республикада бу соҳада ҳозиргача кўп иш қилинди. Лекин олдимизда янада катта ишлар турибди. Ш. Р. Рашидов қишлоқ жойларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни яхшилаш, кооператив уй-жой қурилишини ривожлантириш, республика шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг турмуш маданиятини ошириш билан алоқадор масалаларни муваффақиятли ҳал этилиши ўзларига боғлиқ бўлган ташкилотлар ва идораларнинг вазифаларига тўхталиб ўтди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилинди. Бу тавсияларда КПСС XXV съезди қарорлари, СССР янги Конституциясининг лойиҳаси асосида республика шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш программаси белгилаб берилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Гоеков, Н. М. Маҳмонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТЛИК ПАХТАКОРЛАР ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДА

Тошкентлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Жиззах областига жўнаб кетишди. Бригадага область партия комитетининг секретари А. Икромов бошчилик қилмоқда. Пахтакорлар 1977 йил учун қабул қилинган социалистик мусобақа бажарилишининг боришини текширадилар. Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари группаларга бўлиниб, колхоз ва совхоз пахтакорлари ишлари билан танишадилар.

АНГРЕН керамика комбинатининг ишчи-хизматчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат ғалабалари билан кутиб олишга қатъий бел боғлашган. Корхона ишчилари ўз ваъдалари устидан чиқиш учун шу кунларда смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга эришмоқдалар. Суратларда: (чапдан) расмларни электр печга кўчирувчи М. Гусева ҳамда сараловчи В. Герасимоваларни иш устида кўриб турибсиз.

А. Абалян фотолари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАФАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА ШУ ЙИЛ 13 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун —мавсум бошидан буён.

Калинин	2,5	65,7
Қуйи Чирчиқ	—	64,4
Оққўрғон	2,3	63,0
Бўка	2,2	58,9
Пискент	0,3	58,8
Бекобод	1,4	57,5
Оҳангарон	0,7	56,4
Тошкент	0,7	54,0
Орджоникидзе	0,9	50,5
Ўрта Чирчиқ	0,8	49,9
Чиноз	1,0	48,1
Янгийўл	1,0	46,0
Юқори Чирчиқ	0,3	37,3
Бўстонлиқ	1,3	30,6
Область бўйича	1,0	56,2

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

КОНСТИТУЦИЯМИЗнинг 67-моддасида **«Тарихий ёдгорликларини ва бошқа маданий бойликларни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш СССР граждапларнинг бурчидир»** деб ёзилган.

Совет Иттифоқи халқлари тарихий ва маданий ёдгорликлари социалистик жамият маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгалламоқда. Улар меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашда таъсирли воситалардан бири бўлиб, илм-фан ва маориф мақсадларига хизмат қилади. Ёдгорликлар Ватанимизнинг барча халқларига аждодларимиз ва замондошларимиз ижодий талантининг шоҳидидир, кўпгина муҳим тарихий воқеаларнинг моддий мужассами сифатида қадрлидир.

Ўзбекистон ўзининг қадимий маданият ва тарих ёдгорликлари билан фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки жаҳонда ҳам машҳурдир. Чунки бу ўлкада яшаб ўтган халқлар жаҳонга донг таратган моддий ва маънавий ёдгорликларнинг дурдона намуналарини яратганлар.

Олим ва археологларимизнинг илмий изланишлари туфайли ўлкамизда ер ости саройлари, қасрлар, бутхоналар ва ибтидоий одамларнинг қароргоҳлари очилмоқда. 1938 йилда академик А. П. Окладников томонидан Сурхондарёда Бойсунтов тепаси тош ғори очилиб, бу ерда қадимий тош даврида одам яшаганлиги аниқланди. Бу ғордан топилган бола скелети Европа қитъасида яшаган неандерталь типдаги одамларга жуда ўхшайди. Бу ёдгорлик буржуа олимлари тарғиб қилаётган ирқий назарияга зарба бериб, инсонларнинг тараққий қилиши Европа ва Осиёда бир хилда ўтганлигини исботлади.

Академик С. П. Толстов ва Ўзбекистон ФА академиги Я. Ғ. Ғуломов томонидан қадимий Хоразм тупроқлари остидан эрамизнинг биринчи минг йиллигига оид моддий, маданий ёдгорликлар қазиб олинди. Археолог, профессор В. А. Шишкин томонидан Бухоро ва Самарқанд тупроғидан VII—VIII асрларга оид ер ости саройлари очилди. Бухоро ҳукмдорлари саройи бўлмиш Варахша, Самарқанд остонасидан Афросиёб саройи топилди. Бу саройдаги нақшлар, рангли расмлар ўзининг гўзаллиги ва ноёблиги билан ҳам диққатга сазовор.

Ўрта Осиё халқлари жаҳон илм ва фан хазинасига салмоқли ҳисса қўшганлар. Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобир каби мутаффакир олимлар, шоирлар, тарихчилар томонидан яратилган ёзма манбаа қўлёзмалари бизгача етиб келиб, маънавий маданиятнинг бебаҳо ёдгорликларини ташкил этади. Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Шарқшунослик институтида сақланаётган қадимий қўлёзмаларнинг эса 17.000 жилди мавжуд.

Мамлакатимизда моддий-маданий ёдгорликлар сони 49 миллион, республикамизда эса ярим миллионни ташкил қилади. Бу ёдгорликлар давлат муҳофазасида, шунинг учун ҳам улар авлоддан-авлодга етиб бораверади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли халқнинг меҳнати ва таланти билан вужудга келган барча моддий ва маънавий бойликлар халқ мулкига айлантирилди. Доҳиймиз В. И. Ленин революциянинг биринчи кунларидёқ тарих ва маданият ёдгорликларини давлат ҳисобига олиш, уларни қайта тиклаш ва халқ маърифати учун кенг фойдаланиш масаласини қўйди. 1917—1918 йилларда шу масала бўйича доҳиймиз В. И. Ленининг ташаббуси ва ўз имзоси билан Халқ Комиссарлар Советининг 20 дан ортиқ декрет ва буйруқлари чиқди. Кремль деворлари, Ярославль, Самарқанд архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш ишига етарли маблағлар ҳам ажратилди. Совет кишиларини ватанпарварлик, шон-шуҳрат руҳида тарбиялайдиган ёдгорликларни барпо қилиш ишлари бошланди. Бу ишда В. И. Ленининг монументал пропаганда плани буюк тарихий роль ўйнади. Владимир Ильич Ленин 1918 йил апрель ойида имзолаган Декретда социалистик давлат қуриш учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг хотирасини абадийлаштиришни, уларнинг мардлик ва жасоратини ўзида акс эттирадиган янги монументал санъат дурдоналари яратишни кўзда тутилди. Доҳий таърифича, бундай ёдгорликлар ташвиқот ва тарғибот олиб боручи трибуна ролини ўйнаши лозим эди. Бундай ёдгорликлар чиндан ҳам халқимизни, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, қаҳрамонлик ва жасорат руҳида тарбиялашда катта ўрин эгалламоқда.

Коммунистик партия ва Совет давлати ғамхўрлигида тарих ва маданият ёдгорликлари ардоқланмоқда, махсус давлат идораларидан ташқари, ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятлари ҳам тузилган. Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун шу йилнинг март ойидан кучга кирди. Конституциямизда тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш энди ҳар бир совет кишисининг муқаддас бурчи бўлиши кераклигининг таъкидланиши эса уларга бўлган эътиборни янги босқичга кўтаради. Буни биз, олимлар, маданият ходимлари қизғин олқишлаймиз, якдиллик билан маъқуллаймиз.

Ҳ. СОДИҚОВ,
М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ЎзССР тарихи проблемалари бўлимининг мудири.

Ҳамма жойлардаги сингари Янгийўл шаҳар марказий касалхонасининг коллективи ҳам ССР Конституциясининг лойиҳасини катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Суратда: бош врач Ўрнибосари А. С. Усмонов (ўртада) бир группа медицина ходимларини лойиҳанинг янги боблари билан таништирмоқда.

З. Қуртнезиров фотоси.

БЕБАҲО МУЛКИМИЗ

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАР БАХТ ҚОМУСИ

Зўр ғайрат билан

СССР янги Конституциясининг лойиҳасини бутун бригадамиз билан бирга ғоят тўлқинланиб ўқиб чиқдик. Ҳаммамиз лойиҳани муҳокама қилишда иштирок этаётганлигимизнинг ўзиёқ Совет ижтимоий тузумининг чуқур демократизмидан далолат беради.

Ҳозир амалдаги Конституция қабул қилинган кундан буён ўтган қирқ йил мобайнида СССРда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ишчи билан деҳқон меҳнати ўртасидаги тафовутлар тобора йўқолиб бормоқда. Витаминли маҳсулот етиштирувчи чинакам «фабрика» ҳисобланган бизнинг ихтисослаштирилган совхозимиз бунга мисол бўлиши мумкин. Хўжалигида сабзавот етиштириш саноат негизига кўчирилмоқда, кўпгина сермеҳнат ишлар механизациялаштирилмоқда. Деҳқонларнинг фаровонлиги ва маданий савияси ўсиб бормоқда.

СССР янги Конституциясининг лойиҳаси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссияси раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган доклади бизларни янгидан-янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантирмоқда. Биз партия билан ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан Улуғ Октябрнинг шонли юбилейи йилида ҳар гектар ердан 300 центнер витаминли маҳсулот йиғиштириб олишга ваъда берамиз.

Н. АҲРОРОВ,
Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи.

Совет Конституцияси эркаклар билан бир қаторда аёллар учун ҳам зиё масканлари эшигини очди. Азиза Пўлатхўжаева ана шундай илм даргоҳларида тарбия олган минглаб ўзбек аёлларининг биридир. У ҳозир Оқ-қўрғон районининг марказий касалхонасида терапевт бўлиб ишламоқда.

Х. Аввалов фотоси.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ

УЛУҒ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги биргина совет кишилари учунгина эмас, балки ер юзидаги барча тинчликсевар эллар, элатлар учун ҳам буюк тантанага айланиши шубҳасиз. Зероки бизнинг мамлакатимизда балқиган Октябрь қуёшн асрлар давомида инсон ҳуқуқини поймол қилиб келган зулм-истибдод кишанларини парчалаб ташлади, эрк ва озодлик ато этди.

Янги социалистик тузум қарор топиши билан уни идора этувчи орган—халқ ҳокимияти — советлар вужудга келди. Советлар бутун давлат ҳокимиятининг негизидир. Меҳнаткашлар оммаси ана шу советларнинг хилма-хил ишларида иштирок этиб, хўжалик ва социал маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилади, бошқарув жараёнида чиниқиб боради. Дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси бўлмиш доҳиймиз В. И. Ленин Советларни шундай таърифлайди: «Бу — ҳамма учун очиқ, ҳар нарсани омма кўз ўнгида қиладиган, омма учун қулай бўлган, бевосита омманинг ўзидан келиб чиқадиган ҳокимият, халқ оммасини ва унинг иродасини тўғридан-тўғри ва бевосита ифода қиладиган органдир».

Ривожланган социалистик жамият шароитида Советларнинг фаолияти янада ошади. Давлатни идора этишда меҳнаткашлар кенг оммасининг иштирок этиши активлашиб боради. Ана шундай системанинг асосини социалистик демократия ташкил этади. Бу йилги маҳаллий Советларга бўлаётган сайловлар бу демократия янада кенг қулоч ёяётганлигининг ёрқин намунасини кўрсатмоқда.

Сайловлар олдидан депутатлар ўз сайлов участкаларида, иш жойларида, маҳаллаларда фаолиятлари юзасидан ҳисоб бердилар. Уларнинг нақазларни бажариш тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Депутатлар билан халқ оммасининг ягона мақсад йўлида узвий бирлиги демократиянинг асл мазмунини ифода этади. Ҳақиқий демократия социалистик жамиятдагина мавжуд. Бундай демократия идеаллари халқ ҳокимияти масалаларини тўла ва конкрет амалга ошириши мумкин. Ижтимоий мулкнинг ишлаб чиқариш қуроли ва воситалари бўлганлиги социалистик демократиянинг ягона иқтисодий асосини ташкил этади.

Мамлакатимизда ишчилар синфи зиёлилар ва деҳқонлар оммасининг мустаҳкам иттифоқи ва дўстона ҳамкорлиги социалистик демократиянинг сиёсий базаси бўлиб, халқчил ва ягона ҳокимиятни таъминлайди. Бизда демократия ўзининг адолатлилиги, халқпарварлиги барчага баробарлиги билан бошқа капиталистик мамлакатлар демократиясидан тубдан фарқ қилади. Капиталистик мамлакатларда демократия ижтимоий проблемаларни тўғри ҳал қилолмайди. У ниқобланган ҳолда оммани эксплуатация қилиш қуролига айланиб қолади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида вужудга келган Советлар ҳокимияти — ишлаб чиқариш ва жамоат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирок қилиши учун шундай имкониятлар очиб бермоқдаки, эндиликда мамлакатимизда В. И. Ленин томонидан илгари сурилган мақсадларни амалга оширишга, давлатни бошқариш функцияларини фаоллаштиришда гражданларнинг беистисно ҳаммасини жалб қилишга эришилмоқда.

Омма билан бўладиган энг мустаҳкам ва кундалик алоқа биринчи навбатда депутатлар ва уларнинг Советлари орқали амалга оширилади. Шу кунга қадар мамлакатимизда 50 минг маҳаллий Советлар бўлиб, бу 2 миллиондан кўпроқ депутатларни бирлаштиргандир. Тошкент областида эса, 157 та маҳаллий Советлар бўлиб, 12 мингдан зиёд депутат фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик ва маданий ишларни уюшқоқлик билан ҳал этишда 1500 доимий комиссия ва улар сафидаги 10 мингдан кўпроқ халқ вакиллари актив фаолият кўрсатаётир.

Советлар маҳаллий ҳаётга оид бўлган жуда кўплаб масалаларни ҳал этмоқдалар. Улар айниқса экономикани юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш борасида алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Сўнгги йиллар ичида Советлар ишида меҳнаткашлар оммасининг иштироки айниқса кучайди. Социалистик жамиятнинг асосий ячейкалари ҳисобланган меҳнат коллективлари кишиларни дўстлик, бир-бирига ҳурмат ва ўзаро ёрдам руҳида тарбиялашда катта роль ўйнамоқда.

Коммунистик партия социалистик демократияни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ҳозирги ривожланган социализм шароитида партиянинг ички ва ташқи сиёсати умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, халқ оммасининг тобора кучайиб бораётган сиёсий ва ижтимоий активлиги, кўтаринки меҳнат ғайрати, социалистик мусобақанинг янада авж олдирилиши, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати тобора кулоч ёзётганлиги — социалистик демократиянинг такомиллашиб бораётганлигини ва унинг ҳаётийлигини берувчи яққол далиллардир.

Халқчил демократиянинг социализмда янада равнақ топаётганлигини кўрсатувчи фактлардан бири СССР Конституциясининг лойиҳасида ўз ифодасини топди.

— Бу жамият — чинакам демократия жамияти бўлиб, унинг сиёсий системаси барча ижтимоий ишларни самарали бошқаришни, давлат ҳаётида барча меҳнаткашларни тобора актив қатнаштиришни, кишининг реал ҳуқуқлари ва эркинликларини гражданлик масъулияти билан боғлаб олиб боришни таъминлайди, — таъкидланади лойиҳада.

— Коммунистик жамият қурилиши жараёнида ҳам давлатнинг бош вазифаси коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш, социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва уларни коммунистик муносабатларга айлантириш, коммунистик жамият кишисини тарбиялаб етиштириш, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш, мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат бўлади. Советлар ана шу вазифаларни бевосита амалга оширувчилардир.

Шу йил 19 июнь куни халқимиз давлат ҳокимиятининг асосий негизи маҳаллий Советларга якдиллик билан овоз беради. Мамлакатимизда коммунистлар билан партиясизлар жипслигининг яна бир намунаси намойиш этилади.

Т. НОРМУҲАМЕДОВ,
Фалсафа ва ҳуқуқ институти Совет қурилиши секторининг илмий ходими.

Меҳнат кишиси ҳақида ғамхўрлик

ЗАВОДИМИЗ меҳнаткашлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституциясн лойиҳасини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик бўлган бу ҳужжатнинг халқ муҳокамасига қўйилиши социалистик демократиямизнинг мазмуни нақадар чуқур эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Лойиҳада давлат комплекс механизациялаш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш асосида меҳнат шароитини яхшилаш, оғир қўл меҳнатини қисқартириш, бора-бора бутунлай тугатиш тўғрисида ғамхўрлик қилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Яқинда коллективимиз завод ташкил топганлигининг 75 йиллик юбилей тўйини нишонлади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги дастлабки пайтлардаёқ ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва шу билан бирга механизациялаштириш тадбирлари амалга оширила бошланди. Шунинг ҳисобига ишчиларнинг меҳнати енгиллашди, бундан ташқари ишлаб чиқариш самарадорлиги бир неча ўн баравар юксалди, иш сифати яхшиланди. Буларнинг ҳаммаси ишчи-хизматчиларимизнинг турмуш фаровонлиги яхшиланишини таъминлади.

Заводимиз ишчилари Конституциянинг 13-моддасида келтирилган сўзларни зўр мамнуният билан ўқиб чиқдилар. Унда шундай дейилади: «Ижтимоий фойдали меҳнат ва унинг натижалари кишининг жамиятдаги мавқеини белгилайди. Давлат ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш билан меҳнатни ҳар бир совет кишисининг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлантиришга ёрдам беради».

Бугунги кунда корхонамизда узоқ йиллик самарали меҳнатлари учун коллектив ўртасида ҳурмат — эътибор қозонган кўплаб кишиларни учратиш мумкин. Бизда ҳалол меҳнат қилган ҳар бир киши иззат-икромда.

Заводимиз меҳнаткашлари Конституция лойиҳасини бир овоздан маъқуллаяпмиз. Шу муносабат билан бугунги кунда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақа янада авж олиб кетди.

Н. ЖЕЛЕЗНЕВ,
Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

САОДАТ КИТОБИ

БИЗ ССРнинг янги Конституция лойиҳасини ўқиб ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни яна бир бор чуқур ҳис қилдик. Ҳар бир киши учун яшаб турган жамиятда ўзини барча билан баробар тенг ҳуқуқли инсон деб ҳис қилишдан ҳам катта бахт бўлиши мумкинми! Янги Конституцияда бизнинг ҳуқуқ ва бурчларимиз яна ҳам кенгайган. Бундай демократияга фақат социалистик жамиятдагина эришиш мумкин. Шунинг учун биз Совет граждани деган фахрли номга эга бўлганлигимиздан олам-олам фахрланамиз. Шу улуғ Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз.

Бригадамиз аъзолари Октябрь юбилейи шарафига гектаридан 50 центнердан пахта, 200 центнердан каноп етиштиришга аҳд қилиб меҳнат қилмоқдалар. Янги Конституция лойиҳаси аълон қилинишн билан бригадамиз аъзолари янада кўтаринки руҳ билан ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилмоқдалар. Улар зиммаларига олган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажариш учун ҳамма резерв ва имкониятлардан фойдаланиб, зарур агротехника тадбирларини амалга оширмоқдалар.

О. МАМАТҚУЛОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз бригада бошлиғи.

КОЛХОЗЧИ ҚИЗ ҚУВОНЧИ

Бу хушхабарни бригада аъзоларига партком секретари етказди.

— Жамилани бир куи йўқотиб қўйиб жуда ҳаяжонга тушиб қолганга ўхшайсизлар, лекин янгиликдан хабарларинг бўлмаса керак, шундайми?

— Қанақа янгилик экан, билсак бўладими? — деди колхозчи қизлардан бири баланд овоз билан.

— Уни табрикланглар, мана ўзи машинада, область Совети депутатлигига номзоди кўрсатилди.

Шу пайт Жамила машинадан тушди-да, дугоналари томон юрди.

— Ҳўп ажойиб иш бўлибди-да, хушхабарни эшитиб бошимиз осмонга етди, — деди бригада бошлиғи Абдуқаюм ака Абдураҳмонов,— Бахтингни меҳнатдан топдинг, омадингни берсин қизим, сира нам бўлма, бригадамиз шарафига шараф қўшавер.

Ҳамма колхозчилар Жамилани юксак ишончга сазовор бўлганлиги билан қизғин табриклаб, сўнг ишга киришиб кетдилар, Ана, ғир оразида Жамила Эгамқулова ва ҳам бор. Бу қиз бахтини меҳнатдан топди. Шунинг учун бўлса керак, жонажон колхози аъзоларидан, иш ўргатган устозларидан жуда миннатдор.

Ҳозиргина биз қизни қилган воқеа шу йил май ойининг бошларида бўлган эди. Колхоз клубига тўпланган сайловолди йиғилиши иштирокчилари бир овоздан Тошкент область Совети депутати, 3-бригада аъзоси Жамила Эгамқулованинг номзодини яна қўллаб-қувватлаб, уни иккинчи марта область Совети депутатлигига кўрсатдилар. Залда қарсаклар овози янгради.

Дарҳақиқат Жамила Эгамқулова область Совети депутатлигига муносиб қизи. У 1949 йилда Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида туғилди. Гоголь номли 1-ўрта мактабининг 8-синфини битирганидан сўнг Тошкентдаги хотин-қизлар педагогика билим юртида таълим олди. Меҳнат фаолиятини 1968 йилда бошлади. Дастлаб Тоштўғон участкасидаги, кейинчалик Эркинлик қишлоғидаги болалар боғчаларида тарбиячи бўлиб ишлади. Шу йил март ойида Жамиланинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Коммунистлар унга катта ишонч билдиришиб партия аъзолигига кандидатликка қабул қилдилар. Шундан кейин далага чиқиб ишлашга аҳд қилди.

— Боғчада ўн йил ишлаганим етар, энди пахтазорга чиқсам мина дейсизлар, — деб маслаҳат солди уйдагиларга.

— Ишни қиладиган сен, юрагинг буюрганини қил, қароринг қатъий бўлса биз нима ҳам дердик, деган жавоб олди улардан. Шу-шу бўлдию, депутат қиз Жамила виждон амри билан далага — пахтазор қўйнига отилди. Унинг келажакда ги орзуларининг чеки йўқ. Сиртдан ўқиш, янги-янги ташаббуслар билан чиқиш, депутат сифатида меҳнаткашларга чин кўнгилдан самарали ёрдам бериш... Буларни санаб саноғига етиш қийин. Ҳа, уни виждон доимо халққа ҳалол хизмат қилишга ундайди. 1975 йилда маҳаллий Советларга бўлган сайлов чоғида колхозчилар Жамилани Тошкент область совети депутатлигига сайлаб жуда тўғри иш қилишган экан. Унинг ёрдамида хўжаликда бир қатор қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш даражасини янада юксалтиришга эришилди.

—Тошкент область Совети депутатлигига номзод Жамила Эгамқулова меҳнат қилаётган 3-бригада аъзолари ўзининг беш йилликнинг иккинчи йилида 100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30,5 центнер ўрнига 38 центнердан, жами 380 тонна «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Ўртоқ А. Маҳмудов. — Хўжалигимиз бўйича она — Ватанга 5750 тонна пахта етказиб берамиз. Бу ўтган йилгидан 250 тонна кўпдир.

Ҳа, «Ленинобод» колхозининг улкан пахта хирмонига Жамила ва унинг дугоналари муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Б. ЙЎЛДОШЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАШКИЛОТЛАРДАН ХАТЛАР

АКТИВЛИКНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

ПАРТИЯ ташкилотининг жанговарлиги партия топшириқларининг тўғри тақсимланиши ва унинг бажарилиши устидан ўрнатилган назоратга кўп даражада боғлиқдир. Биз партия топшириғини беришда коммунистнинг касб-кори, ҳаётий ва иш тажрибаси, ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга оламиз.

Партия ташкилотимизда 120 коммунист бор. Уларнинг ҳаммаси доимий ва вақтинча топшириққа эга. Коммунистларнинг бир қисми жамоатчилик асосида тузилган техник комиссияларнинг аъзоларидир. Комиссия аъзолари машиналарнинг аварияsиз ишлашини таъминлаш йўлида ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шунингдек, транспорт ҳаракатини назорат қилувчи жамоатчи бригадалар ҳам тузилган. Бу бригадалар ишига коммунист Н. Марченко бош-қош. Корхона ветерани Ю. Саидов ҳам ана шундай жамоатчилик асосида тузилган комиссияларнинг бирига раҳбарлик қилиб келаяпти. Т. Левченко, Т. Шестаковалар «За рулём» деворий газетасини ўқимишли ва чиройли безаклар билан чиқаришмоқда. Корхонамизда жамоат топшириғига бундай сидқидилдан муносабатда бўладиган коммунистлар кўп.

Яқинда шофёр Т. Еқубов шундай таклиф билан мурожаат этди:

— Учинчи маршрут элга намунали хизмат қилмаяпти. Халқдан кўп шикоят тушмоқда. Партия ташкилоти маъқул кўрса бунинг сабабларини аниқлаб, транспорт хизматини яхшилашга қўлимдан келгунча ёрдам берсам?!

Ташаббускор коммунист ишга киришди. Кўп вақт ўтмай машиналар қатнови яхши йўлга қўйилди.

Шуни таъкидлаб ўтмоқ керакки, партия топшириғини берар экanмиз унинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилади, партия йиғилишларида коммунистларнинг ҳисоботлари эшитиб борилади. Бу тажриба яхши натижа беряпти. Тўғрироғи тарбия мактабига айланган. Масалан, 1975 йилда коммунист Э. Йўлдошевга ишчи-хизматчиларни газета ва журналларга обуна қилиш топширилган эди. Лекин, Э. Йўлдошев топширилган ишга нисбатан етарли даражада масъулиятни ҳис этмади. Партия йиғилишида унинг ҳисоботи эшитилди. Камчиликлари рўй-рост айтилди. 1976 йилда ҳам худди шу топшириқ берилди. Танқиддан тўғри хулоса чиқариб олган коммунист ўтган йил коллектив ўртасида обуна ишини намунали ташкил этди.

Партия ҳужжатларини алмаштириш даврида партия топшириқларини тўғри тақсимлаш ва унинг бажарилиши устидан назорат қилишда бой тажриба тўпланган эди. Биз ана шу тажрибани кенг қўллаш билан бирга уни янада бойитиш учун курашаяпмиз. Шу жумладан партия топшириқларини тақсимлашда ёш коммунистларнинг ташкилотчилик ва жанговарлигини ошириш ҳам кўзда тутилган.

Кейинги йилларда корхонамизда мураббийчилик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Ҳар бир коммунист ўз шогирдига эга. Коммунист А. Ворожбитни коллектив ҳурмат билан тилга олади. У энг ишчан группа партия ташкилотчиларидан ҳисобланади. Тажрибали коммунист ёш шофёр У. Шертоевни шогирдликка олган. У шогирдининг партия топшириғини қандай бажараётганини назорат қилиб боради, йўл-йўриқлар кўрсатади. У. Шертоев корхонамизнинг энг актив сиёсий аҳборотчиларидан бири ҳозир. Берилган топшириқларни жон-дили билан бажаради.

Ўтган йили коллективимиз топшириқларни знёдаси билан адо этиб катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ана шу ютуқларда ҳам ташаббускор коммунистларнинг хизматлари каттадир. Партия ташкилоти доимо оғир участкаларга ишда синалган коммунистларни йўллайди.

Коллективимиз ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам янги зафарлар сари отланган. Элга транспорт хизматини яхшилаш учун тинмай изланмоқдамиз. Бу йил плондан ташқари 800 минг пассажирни ўз манзилига етказишга аҳд қилдик. Шунингдек, 59,2 минг сўмлик фойда олишга, 20 тадан ортиқ рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этишга қарор қилдик. Шубҳасиз бу режаларни амалга оширишда социалистик мусобақанинг ўрни катта бўлади. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамкорликда социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқди. Ҳар ойда оператив суратда мусобақага якун ясаб бориляпти. Ҳар бир коммунистнинг ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларидаги активлигини таъминлаш учун куч ва ғайратимизни сарфлаймиз.

К. МАРТИНОВ,
Чирчиқ автобус-таксомотор парки партия ташкилотининг секретари.



ЧИРЧИҚДАГИ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида кучсиз азот кислотаси цехи маҳсулот бера бошлади. Суратларда: (чапдан) цех участкаларидан бири, ишлаб чиқариш участкаларидан бирининг бошқарув пульти.

И. Чернов ва Г. Пун фотолари.

(ЎзТАГ).

ҚУМНИ ЖИЛОВЛАШ

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида темир йўлни кўчма қумдан муҳофаза этиш борасида тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Бу тадбирлар биологик, химиявий методлардан техник тадбирлар билан биргаликда фойдаланишни кўзда тутади.

Олимларнинг айтишича, қумни тўсадиган ягона бир лойиҳа бўлиши мумкин эмас. Йўлнинг ҳар бир участкаси учун ўзига хос лойиҳа зарур бўлади. Ўтказилган тадқиқотлар асосида Макат — Оқтов — Узень линиялари, Гурьев — Астрахань ва Гурьев — Қандағач линиялари учун шундай лойиҳалар тузилган. Шу участкаларда мелиоратив методлар афзал тутилган. Олимлар ихота ишларининг муфассал характеристикасини бердилар, иш кўламини аниқлаб чиқдилар, тупроқни тайёрлаш ва мелиорант воситалар танлаш борасидаги агротехник кўрсатмаларни тайёрладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

АСАЛ ВА ҚИМИЗ КЎПАЯДИ

«ЧОРВОҚ» совхози Бўстонлиқ районининг тоғли, хушманзара Бурчмулла, Сиржак, Боғистон қишлоқлари ёнбағрига жойлашган. Шунинг учун ҳам совхоз асаларичилик ва қимиз етиштиришга ихтисослашмоқда. Айни кунларда совхоз ишчилари давлатга қишлоқ хўжалигининг бу ноёб маҳсулотлари сотишни қизитиб юборганлар.

Хўжаликда сабзавот, мева етиштириш, чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳам намунали йўлга қўйилган. Яқинда мухбиримиз Р. Шералиев «Чорвоқ» совхозининг директори Толибжон САИДАХМЕДОВ билан суҳбатлашди. Совхоз директори хўжалик механизаторларининг юбилей йили марралари, шу маррани эгаллаш йўлида айни кунларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди:

— Шу кунларда совхозимиз ҳар бир ишчиси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига муносиб меҳнат совғаси ҳозирлаш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Асаларичилик ва қимизчилик хўжалигимизнинг асосий тармоқларидан ҳисобланади. Бу ноёб ва шифобахш маҳсулот турларини йилдан-йилга кўпайтириш йўлидан бормоқдамиз. Чунки бизнинг тоғли районда асаларичиликни жадал ривожлантириш имкониятлари катта. Асаларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва фазилатлари бор. Тиббиётда уни минг дардга даво бўлади, дейишади. Ана шундай шифобахш маҳсулот етиштириш ўзига хос меҳнат, сабот ва матонатни талаб қилади.

Тоғларимизда доривор ўсимликлар жуда кўп учрайди. Табиийки, бу ўсимлик гуллари ва мевалардан олинган асал ҳам шифобахш, ҳам сифатли бўлади. Асаларичиларимиз юбилей йилида эл дастурхонига планда кўзда тутилган 15 тонна ўрнига 19 тонна асал етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Улар бу маррани эгаллаш йўлида баракали меҳнат қилмоқдалар. Дастлабки натижалар чакки бўлмаяпти. Тажрибали асаларичилардан Жўра Нуртоев, Шайлов Мадумсоновлар ҳар қути асаларидан 20 килограммга етказиб асал олишни мўлжаллашяпти.

Халқимизнинг асалга бўлган талабини қондириш мақсадида бошқа хўжаликларга ҳам асаларидан етказиб бермоқдамиз. Бу иш билан Абдусамад Комилов бошлиқ асаларичилар бригадаси шуғулланмоқда. Бригада аъзолари шу йилнинг ўзидаёқ қўшни хўжаликларга 500 қути асалари етказиб беришади.

Қимиз салқинлатувчи ва доривор ичимлик. Халқимизнинг бу ичимликка бўлган талаб ва эътиёжи ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, қимизчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ҳозир Чимган ва Сиржак тоғларида хўжалигимизнинг 500 бошдан ортиқ йилқиси боқилмоқда. Шундан 130 таси соғиладиган биялар. Йилқичиларимиз ўтган йили эл дастурхонига 30 тонна қимиз етказиб бердилар. Юбилей йилидаги маррамиз эса 50 тонна қимиз етиштириш ва давлатга сотишдир. Ҳозир ҳар куни 200—300 килограммдан қимиз топширмоқдамиз. Ёқуб Орипов, Бўрон Жўраев бошлиқ йилқичилар бригадасида биялардан сут соғиб олиш ва қимиз тайёрлаш ишлари намунали олиб борилаяпти. Ҳ. Асанов, А. Нурхўжаев сингари отбоқарларимиз ҳар бир биядан уч-тўрт килограммдан сут соғиб олмоқдалар.

Хўжаликни комплекс ривожлантириш бугунги кунининг асосий талабларидир. Бизнинг тоғли районларда деҳқончилик қилишнинг ўзига хос ҳусусиятлари, қийинчиликлари бор. Мевали дарахтларни ва токларни тоғ ён бағрларига зинапоя усули билан экиб кўпайтирмоқдамиз. Бу иш хўжалигимизнинг Сиржак бўлимида, айниқса, яхши йўлга қўйилган. Эндиликда кўплаб тоғ ёнбағрлари боғроғларга айлантириляпти.

Бу йил давлат қабул пунктларига 850 тонна узум, минг тонна турли хил мева етказиб бераміз. Топшириладиган маҳсулотларнинг асосий қисмини тоғ мевалари ташкил қилади. Тоғ олчаси, тоғ олмаси, писта шулар жумласидан. Бу йил 15 тонна ёнғоқ, бир тонна бодом, 3 тонна смородина етказиб бериш мажбуриятини олганмиз.

Сугориладиган деҳқончилик ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Ҳозир Навалисойда янги насос станцияси қурилиши тугалланмоқда. Бу станция яқин кунлар ичида ишга туширилади. Шунда сугориладиган еримиз яна 80 гектарга кенгаяди.

Чорвадорларимиз ва паррандабоқарларимиз ишларини амалга ошираётган ишлари ҳам намунали, мақтовга лойиқ. Совхозимизда давлатга гўшт сотиш ярим йиллик плани муддатидан анча илгари бажарилди. Тайёрлов пунктларига 42 тонна ўрнига 50 тонна сифатли гўшт етказиб берилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 400 килограммга тўғри келди.

Сут соғувчиларимиз ҳам ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар шу кунгача 190 тонна сут соғиб олиб давлатга топширдилар. Давлатга сут сотиш ярим йиллик плани ҳам муддатидан аввал бажарилди.

ХЎЖАЛИКНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

Совхозимиз ишчиси Заҳириддин Хайриддинов ўз онласи билан хўжалигимизнинг паррандачилик фермасида меҳнат қилмоқда. Ишнинг кўзини билиб, ҳалол меҳнат қилаётган товуқбоқарлар салмоқли ютуқларини қўлга киритишяпти. Улар давлатга тухум сотиш ярим йиллик планини знёдаси билан адо этдилар. Шу кунгача планда кўзда тутилган 64 минг дона ўрнига 110 минг дона тухум етиштирилиб, давлатга сотилди.

Совхозимиз ишчиларининг меҳнат кўтаринкилиги қўлга киритилаётган ютуқларда ўз ифодасини топиб турибди. Ҳеч шак-шубҳа йўққи, улар янада эўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйини ёруғ юз билан кутиб оладилар.

Сўнгги йиллар ичида Алимкент матлубот жамияти кооператорлари қишлоқ аҳолисига ҳизмат кўрсатишни анча яхшиладилар. Яқинда бу ерда ёш савдо ходимлари район бўйича ўтказилган энг яхши хизмат кўрсатган кооператор конкурсининг ғолиби Хакки Абдуллаевнинг иш тажрибаси билан таништилар. У ҳар ойлик планини ортиғи билан адо этмоқда. Суратда (чапда) 20 йилдан буён кооператор номини шарафлаб келаётган Х. Абдуллаев.

Ҳ. Аввалов фотоси.

Дунё овози
чет эл хабарлари

М. КАДДАФИНИНГ ДАЪВАТИ

ТРИПОЛИ. Ливия умумий халқ конгрессининг бош секретари М. Каддафи мамлакат территориясидаги Америка ҳарбий базалари қўчириб юборилганлигининг 7 йиллиги муносабати билан Дерна шаҳрида ўтказилган оммавий митингда сўзга чиқиб, араб мамлакатларини ўз ихтилофларини бир чекка суриб қўйиб, Триполида араб мамлакатларининг олий даражадаги конференциясини ўтказишга чақирди. Бу конференцияда, деди у, 1967 йилда Исроил томонидан босиб олинган ҳамма араб ерларини озод қилиш масаласини, шунингдек Фаластин проблемасини ҳал қилиш лозим.

М. Каддафи Миср билан муносабатларга тўхталиб, иккала мамлакат вакиллари ўртасида учрашув ўтказиш учун ҳали ҳам катта тўсиқлар борлигини таъкидлади.

(ТАСС, 13 июнь).

БХУТОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ИСЛОМОБОД. Покистон бош министри З. А. Бхуто бундай деди: АҚШ Покистонга тобора кенг тазйиқ ўтказиб турибди. З. А. Бхуто парламентда сўзлаган нутқида Покистон ташқи ишлар министрлигида АҚШ Покистон ишларига аралашмоқда, деб илгари ўзи айтган айбларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар бир том бўлиб турганлигини айтди.

Мен, деди З. А. Бхуто, АҚШ билан дўстона муносабатларни қайта тиклаш жараёнини бошлашга тайёр эдиму, аммо «биз қўғирчоққа айланиш учун озод ва мустақил халқ бўлиб қолганимиз йўқ», деди у.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

ПОЗНАНЬ. Халқаро ярмарка павильонлари томошабинлар учун 49-марта эшикларини кенг очди. Жаҳондаги 45 мамлакатдан беш мингга яқин корхона ва фирма выставкага ўз маҳсулотининг кўпдан-кўп нусҳаларини юборди. Познандаги ярмарканинг очилиш маросимига кўпгина мамлакатлардан делегациялар, шу жумладан Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раиси А. И. Иброҳимов бошчилигидаги Совет делегацияси ҳам келди.

Совет Иттифоқи Познань ярмаркасига қатнашаётган энг катта чет мамлакат ҳисобланади. Унинг ташқи савдо ташкилотлари халқ хўжалиги турли тармоқларининг хилма-хил буюмларини—тўрт мингдан зиёд экспонатни намойиш қилмоқда. Шу экспонатлардан 80 проценти выставкага биринчи марта келтирилган.

МУСОБАҚА ИЛГОРЛАРИ

БЕРЛИН. ГДРда Улуғ Октябрь 60 йиллиги белгиси остида ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичлар учун социалистик мусобақа тобора кенгаймоқда. Берлин индустриясининг тўнғич корхонаси «Обершпрее» кабель заводининг кўп минг кишилик коллективи шу мусобақада биринчи сафда бормоқда.

Корхоналарда ҳамма жойда материалларни тежаб сарфлаш учун, иш вақтидан ва техникадан унумли фойдаланиш учун кураш давом этмоқда. Меҳнатда, шунингдек заводнинг жамоат ишларида энг яхши кўрсаткичларга эришган бригадаларга «Германия — Совет дўстлиги комли коллектив» деган юксак унвон берилади. Ҳозир 160 дан ортиқ бригада шу номга сазовор бўлди. Улар Октябрь юбилейи шарафига энг кам чиқим билан нуқул юксак сифатли маҳсулот чиқариш мажбуриятини олдилар.

СУВ ОМБОРЛАРИ ҚУРИЛМОҚДА

ГАВАНА. Кубанинг Пинар-Дель-Рио вилоятида жами ҳажми 170 миллион куб метрдан иборат учта катта сув омбори қурилмоқда. Шу омборларга тўпланган сув шакар қамиш ва бошқа қишлоқ хўжалик экинни майдонларига берилади.

Кубада ҳовузлар, каналлар ва бошқа ирригация иншоотлари қуришга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирги вақтда республикадаги сунъий кўлларга тўрт ярим миллиард куб метрдан кўпроқ сув сиғдириш мумкин.

(ТАСС, 13 июнь).

Лотарингия металлурглари пўлат қўйиш саноатини национализация қилиш, меҳнат қилиш ҳуқуқининг таъминланишини талаб қилиб чиқдилар. Минглаб парижликлар уларни қўллаб-қувватлаб, намойиш ўтказдилар. Суратда: намойишчилар Париж кўчаларида.

ТАСС фотохроникаси.

СССР ВА ФРАНЦИЯ ХАЛҚЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ПАРИЖ. (ТАСС мухбирлари). Европа ва бутун дунё халқлари ўртасидаги тинчлик, яхши қўшничилик, ҳамжиҳатлик тушунчаларини Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ деб билдаётган миллион-миллион эркак ва аёл французлар бундай дейишмоқда: «Л. И. Брежнев, Франция диёрига марҳабо!».

Совет Иттифоқи раҳбарининг Францияга қиладиган визити ва унинг Франция президенти билан ўтказадиган музокаралари — мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш йўлидаги муҳим босқичдир, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда таниқли сиёсат ва жамоат арбоби, собиқ министр Лео Амон.

Бизнинг мамлакатимиз Совет Иттифоқи раҳбарининг визитини табриклайди. Чунки Франция — Совет ҳамкорлигининг ривожи Франциянинг ташқи сиёсатида энг асосий йўналишларининг биридир, деб таъкидлади у. Олий даражадаги Франция-Совет музокаралари давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги омили бўлиши шубҳасиз. Айни шу боисдан ҳам биз Л. И. Брежневнинг визитини чин кўнгилдан табриклаймиз.

Франция-Совет муносабатлари тарихи—мамлакатларимиз халқларини бирлаштириб турган яхши қўшничилик муносабатларини муттасил ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг кўп йиллик тарихий йўлидир деб таъкидлайди Авиньон шаҳрининг мэри социалист Анри Дюффо. Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет халқи бехисоб куч-ғайрат сарфлаб, қанчадан-қанча қурбонлар бериб ва маҳрумликларга чидаб, гитлерчилар фашизмини тормор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшганлигини, Европа мамлакатларига, шу жумладан Францияга ҳам озодликни қўлга киритишда, ўз ор-номусини ҳимоя қилишда ёрдам берганлигини французлар ҳеч қачон унутишмайди, деди у.

А. МАНДРОВ,
О. ШИРОКОВ.

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛАМИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗ комсомол-ёшлари юбилей йилида бир миллион тонна «қаҳрабо дон» етиштириш юзасидан зиммаларига катта мажбурият олдилар. Областимизнинг бир группа маккажўхоригорлик комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари эса бу қимматли экин ҳосилдорлигини гектар бошига 100 центнер ва ундан ҳам оширш ташаббуси билан чиқдилар. Ташаббускорлар орасида мен раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ҳам бор.

Яқинда Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозида областимиз маккажўхорикорларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда бир гуруҳ тажрибали маккажўхорикорлар «қаҳрабо дон» етиштиришни янада кўпайтириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш йўлидаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Мен ҳам бригадамиз аъзолари номидан сўзга чиқиб, коллективимизнинг бу йилги режалари ва иш тажрибамиз ҳақида гапирдим.

Маккажўхори шундай ноёб ўсимликки, агар меҳр билан парвариш қилинса, бошқа донли экинларга нисбатан анча кўп дон ҳосили олиш мумкин. Бундан ташқари, пояси чорва молларининг тўйимли ва чиқитсиз озуқасидир.

Бригадамиз аъзолари «дала маликаси»нинг мана шу ҳусусиятларини ҳисобга олиб, йилдан-йилга маккажўхори етиштиришга эътиборни кучайтирмоқдалар. Бу қимматли экинни парваришлашда етарли тажриба ортирганмиз. Ўтган йили 40 гектар майдонга дон учун маккажўхори экдик. Дала ишларининг асосий қисми механизмлар зиммасига юкланди. Экин ўз вақтида бегона ўтлардан тозаланиб, сифатли озиқлантирилди. Эришилган натижа ҳам чакки бўлмади. Ҳар гектар майдондан 85 центнердан «қаҳрабо дон» йиғиштириб олдик.

Юбилей йилида эришилган ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамлаймоқдамиз. Экин майдонини кенгайтирмадик. Ҳосилдорлигини ошириш йўли билан дон етиштиришни кўпайтирмоқдамиз. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан бригадамиз аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 110 центнердан маккажўхори дони

ЁШЛАР 1 МИЛЛИОН ТОННА «ҚАҲРАБО ДОН» ЕТИШТИРАДИЛАР

етиштириш мажбуриятини олдилар. Айни кунларда дала ишларини шу мажбуриятга яраша ташкил қилмоқдамиз.

Ҳозиргача қатор оралариға уч марта сифатли ишлов бердик. Йиллик нормадаги минерал ўғитнинг ҳаммаси ерга солинди. Ҳар гектар майдонда 50—55 минг туплан кўчат сақлаб қолинди. Ёш механизатор ва сувчиларимиз зиммамиздаги улкан масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Бригадамиз аъзолари маҳаллий ўғитдан фойдаланишни яхши йўлга қўйганлар. Экинни суғориш вақтида шарбат сув оқизилмоқда. Бу эса ўз вақтида ўсимликнинг жадал ривожланишига, тупроқда намнинг кўпроқ сақланиб қолишига олиб келмоқда. Сув танқислиги йилида маҳаллий ўғитлардан мана шундай самарали фойдаланиш ҳар томонлама кўл келмоқда.

Пайкалларимиздаги «дала маликаси»нинг ривожи яхши. Экинлар кундан-кунга бўй чўзмоқда. Энди сувчиларимиз учун янада масъулиятли пайт бошланмоқда. Чунки, бундан буён ниҳолларни суғораётганда қатор ораларини кўллашига асло йўл қўйиб бўлмайди. Сув пайкалларни охирлаши билан суғоришни дарҳол тўхтатиш керак бўлади. Тупроғимиз анча юмшоқ. Ер захлатиб суғориладиган бўлса, кучсиз шамол натижасида ҳам ўсимлик бир томонга қийшайиб қолиши мумкин. Бу эса маккажўхори сўтасини ажратиб олишни, умуман маккажўхорини ўришни анча қийинлаштиради. Трактор ва комбайнларнинг равон ишлашига имкон бермай қўяди.

Ҳали олдимизда амалга оширилиши керак бўлган ишлар анчагина. «Дала маликаси» парваришини сира ҳам сусайтирмаслигимиз керак. Ҳар бир туп кўчатда икки-учтадан бўлиқ сўталар етиштириш учун бор куч ва имкониятларни сарф қилмоқдамиз. Шундагина белгиланган маррани эгаллаган, ваъдага вафо қилган бўламиз. Бу бизнинг Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллик тўйига муносиб совғамиз бўлади.

Р. ОРТИҚОВ,
Калинин районидаги Куйбишев номли колхознинг маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

ПИОНЕР ЁЗИ ЧОРЛАЙДИ

ЁЗГИ каникул даврида областимиз мактаб ўқувчиларидан қарийб 400 минг киши турли пионер лагерларида ҳордиқ чиқарадилар, туристик походларда бўлиб, Ватанимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари билан танишадилар. Бу ўтган йилдагига қараганда дам олишнинг ҳамма турлари бўйича 5453 киши кўпроқ қамраб олинади деган гапдир.

ҚУНИ кеча мактабларда сўнгги қўнғироқ янгради. Ҳозир синфдан-синфга кўчиш ва битирув давлат имтиҳонлари бормоқда. Шунга қарамай, ёзги каникулни мазмунли ва мароқли ўтказишга ҳам қизғин тайёргарлик кетяпти. Барча мактабларда дам олиш майдончалари, пионер лагерлари ташкил қилинмоқда.

— Ёзги мавсумга тайёргарликни ҳар йилгидан ҳам эрта бошладик, — деди мухбиримиз билан суҳбатда область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари В. И. Шинд. — Ҳозир областимиз мактаб ўқувчиларини ёзги дам олишларини ташкил қилиш учун махсус комиссия кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Областдаги кўпгина лагерлар дам олувчиларни қабул қилиб олишга шай, туристлик паҳодларнинг маршрутлари ишлаб чиқилмоқда.

Чиндан ҳам бу йилги дам олиш мавсуми мактаб ўқувчилари учун алоҳида қувончли бўлади. Биргина шаҳар мактабларида ташкил қилинадиган 46 та пионер лагерларининг ўзида қарийб 12 минг бола дам олади.

Район мактаблари коллективлари ҳам ёзги каникулга катта ҳозирлик кўришяпти. 81 та район мактабида ташкил қилинган пионер лагерлари ҳам болаларни кутмоқда. Улар 13,5 мингдан зиёд ўғил-қизни ўз бағрига олади. Булардан ташқари областдаги барча мактабларда соғломлаштириш майдончалари ишлаб туради. Бу майдончаларда пионер ва ўқувчилар турли спорт мусобақаларида иштирок этадилар, ГТО комплекси нормаларини топширадилар.

Ёзги каникулни айниқса шаҳардан ташқари — манзарали ерлар, тоғ ён-бағирликларига жойлашган пионер лагерларида дам оладиган ўқувчилар мароқ билан ўтказишади. Ҳозир областимизда бундай лагерлар сони 36 тага етди. Бу йил Бўстонлиқ, Ангрен тоғ зоналарида ва областимизнинг бошқа сўлим жойларидаги оромгоҳларда 25 минг ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради. Тез орада ана шу лагерларда пионер гулханлари аланга олади. Ўқувчи ўғил-қизлар янги дўстлар орттирадилар, пионер походларида бўладилар, спорт ўйинларида ва бошқа ҳар хил тўгаракларда иштирок этадилар. Қисқаси, барча дам олувчи ўғил-қизлар мактаб бағрига бой таассурот билан қайтадилар.

Шаҳар ташқарисида жойлашган лагерларнинг кўпчилигини областимизнинг йирик саноат корхоналари ўз отаклиларига олганлар. Уларнинг кўпчилигида шу корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқарадилар. Оталик ташкилот ва корхоналар бу пионер лагерларини мавсумга шай қилиб қўйишда ўзларининг ёрдамларини ҳеч аямади. Жумладан, Ангрен керамика заводининг «Юбилей», «Ўзбекшахтастрой»нинг «Эртаклар дунёси», «Алмалиқсвинецстрой»нинг Титов номли пионер лагерлари оталик корхона ва ташкилотлар ёрдамида бу йил анча кенгайтирилди. Янги инвентарь ва жиҳозлар келтирилди. Бу лагерларнинг ҳаммаси энг сўлим ерларга жойлашган. Уларда ҳаммаси бўлиб 3300 дан зиёд ўғил-қиз мириқиб дам олади.

Мактаб ўқувчиларининг дам олиш турлари тобора кўпайиб ва кенгайиб бормоқда. Жумладан, колхозлараро ва совхозлараро лагерларда 18 минг пионер ва ўқувчи ёзги каникулни ўтказади. Шунингдек, Чирчиқ, Ангрен, Янгийўл, Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари мактабларининг юқори синф ўқувчилари, Оржоникидзе районидаги «Қибрай» ва «Дўрмон», Янгийўл районидаги «Огонёк» совхозларида ташкил этилдиган «Меҳнат — роҳат» лагерларида бўладилар. Улар бу лагерларда фақат дам олибгина қолмай, мева ва сабзавотларни йиғиштириб олишда ҳам колхоз-совхозларга яқиндан ёрдам берадилар. Умуман кейинги йилларда «Меҳнат — роҳат» лагерлари тармоғи анча кенгайди. Улар фаолиятидан дала меҳнаткашлари ҳам, мактаб ўқувчилари ҳам мамнунлар.

Кўпгина ўқувчилар ёзги каникулнинг дастлабки ойларини далада ўтказадилар. Улар ўз ота-оналари билан ёнма-ён юбилей йили ҳосили учун курашадилар. Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил қилиш область комиссияси ана шу ўғил-қизларнинг яхши ҳордиқ чиқариб мактабга қўтаринки кайфият билан қайтишлари учун ҳам бир қанча тадбирларни уюштиришни мўлжаллаган. Масалан, дала шиларида алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилган ўқувчилар хўжаликлар томонидан бепул йўлланмалар билан тақдирланадилар. Оққўрғон, Чирчиқ, Бўка ва бошқа район-ларнинг ўқувчилари ёзги каникулнинг сўнгги ойини лагерларда ва походларда ўтказадилар, уларнинг кўпчилигини Москва ва Ленинград, шунингдек Россия Федерациясининг бошқа шаҳарлари бўйлаб бўладиган мароқли саёҳатлар кутмоқда.

Албатта, ўқувчиларнинг ҳаммасини ҳам пионер лагерлари ва туристик саёҳатларга жалб этиш осон гап эмас. Лекин лагерларга, саёҳатларга бормаган ўқувчилар сира зерикиб қолишмайди. Улар учун ҳам қизиқарли тадбирлар программаси ишлаб чиқилган.

Турар-жойларда мактаб ўқувчиларининг дам олишларини юксак савияда ташкил қилиш учун тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бу борада айниқса Бекобод, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларидаги ЖЭКлар, маҳалла комитетлари фаолияти диққатга сазовордир. Уларда дам олиш ва спорт майдончалари ташкил қилиняпти. Бу майдончаларда спорт мусобақалари олиб борилади, ГТО нормативлари топширилади. Лекин ана шу тадбирларнинг ичида энг қизиқарлиси «Чарм тўп» клуби совринлари учун бўладиган мусобақалардир. Бу йилги мусобақаларда ёш «Чарм тўп» мухлислари янада активроқ иштирок этишларига ҳеч шубҳа йўқ.

— Пионер ёзи энди старт олмоқда, — деди суҳбат охирида В. И. Шинд. — Ёзги каникулни ўқувчилар мароқли ўтказиб, мактабга куч-ғайратга тўлиб қайтишларига ишончимиз комил. Биз ёш авлод кўнгилли дам олиб, фақат яхши ва аъло ўқишлари ҳамда коммунизм бунёдкорларининг чинакам ворислари бўлишлари учун бор имкониятларни ишга соламиз.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Янгийўл шаҳри йилдан-йилга гўзаллашиб боряпти. Кенг кўчалар, замонавий бинолар киши кўзини қувонтиради. Яқинда ишга туширилган «Янгийўл» меҳмонхонаси бинoси ҳам шаҳар кўркига-кўрк қўшди.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ИЛҲОМ ДАҚИҚАЛАРИ

Шеър — бирон бир воқеа ва ҳодисанинг ёки ташқи оламдаги бирон нарсанинг онгга таъсир этиши туфайли юракда уйғонган янгилик яратиш куртаги—мақсаднинг улғайиб, фикр ҳамда туйғулар силсиласидан бутун вужуд ларзага келган лаҳзалар, яъни илҳом деб аталувчи дақиқалар маҳсули. Биноборин соатлаб бош қотирган билан шеър ёзиб бўлмайди. Тўғри, баъзан соатлаб фикр юритиш, изланиш, интилиш орқали киши ўз вужудида илҳом учқунларини уйғотиши ҳам мумкин. Бу жараён ҳар кимда ҳар хил кечади. Унинг талант даражасига боғлиқ. Шу сабабли ёзилган шеърларнинг савияси хилма-хилдир. Албатта, шеър ёзишда талант билан бирга билим, тажриба, маҳорат, меҳнат катта роль ўйнайди. Айни пайтда шеър ёзиш жараёнидаги шахснинг руҳий ҳолати ва уни ўраб турган муҳит ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто талантли шоирлар ҳам ҳамиша юксак савияда асар яратавермайди.

Мана шулардан келиб чиқадиган бўлсак, ўз-ўзидан маълумки, ҳаваскор қаламкашларнинг машқлари гоҳ дурust, гоҳ бўш ёзилиши, табиий. Буни редакциямизга келган кўпдан-кўп ёш қаламкашларнинг шеърлари ҳам тасдиқлайди. Улар орасида умид учқуни чақнаган шеърлар учраб туради. Айниқса, чинозлик Анора Пардабоеванинг машқлари ўқувчида илиқ таассурот қолдиради. Унинг шеърларида изланиш, интилиш, самимийлик, маълум даражада юрак ҳарорати бор. Ёш қаламкашнинг «Муҳаббат» сарлавҳали шеърини тўлиқ келтирамиз:

Бу не ўзи, вужудингни тотли ҳисга тўлдирса,
Сирдош дўстдай ўйларингни олиб қочса йироққа.
Гоҳ шодликдан инъом этса, гоҳ бўзлатса, куldирса,
Гоҳ кўкламдек жилваланиб сурон солса юракка,
Бу не ўзи?!
Бу не ўзи, қўҳна дунё бўлиб олса келинчак,
Олам шодлик қўшиғини куйлаб этса табассум.
Чорлаб турса адрларда кўшиқ-лолақизғалдоқ,
Ўн саккиз ёш қиз ўйлари дилга кўчиб келса жим —
Бу не ўзи?!

Шеърнинг ютуғи шундаки, унда бирон ерда ҳам муҳаббат тилга олинмай туриб, муҳаббат ҳақида куйланган. Ҳаваскор шоира фақат севги туфайлигина инсон кечинмалари ва руҳида рўй берадиган ўзгаришлар тасвирини чизишга уринади: «Бу нима ўзи?! деб савол берар экан, ўқувчиларнинг «Муҳаббат!» деб қичқиришларини истайди. Маълум даражада ана шу мақсадга эришилган. Албатта, бундан ҳам ёрқинроқ ва қудратлироқ лавҳаларни янада аниқ ифодалаш мумкин эди. Жарангдор қофиялар қўллашга ҳаракат этилганда, янада мусиқийроқ чиқарди. Бу шеър муаллифининг фикрни ифодалашда қийналаётганлигини, сўзга камбағаллигини кўрсатади. Яъни маҳорат етишмайди. Умуман, унинг бошқа шеърлари ҳам ёш шоиранинг келажагига умид уйғотади. Худди шунингдек, Ўрта Чирчиқ районлик Ҳамид Норқуловнинг, оққўрғонлик Эгамберди Турсуновнинг, янгийўллик Азима Каримованинг, ТошДУ талабаси Акром Ваҳобов ва бошқаларнинг шеърларида ҳам интилиш бор. Лекин улар бир-бирига ўхшамайди. Жумладан, Акром Ваҳобов ўй ва ҳис-туйғуларни образли ифодалашдан кўра кўпроқ деталлар орқали фалсафий янги гап айтишга қизиқади. Масалан, унинг «Нифоқ» шеърини кўздан кечирайлик:

Беш бармоқ бамисоли беш ўртоқ,
Бирликда режалар тўзарди.
Шу сабаб неники тутган чоғ
Ушлаган жойидан узарди.
Ногаҳон иттифоқ еб барҳам,
Беш бармоқ — уришқоқ беш- бола
Қиш ўтиб, келмоқда баҳордан садо
Кўнглимда барқ урар бир ажиб наво,
Юракда оловдек ўзга ҳиссиёт,
Севинчлар дарёдек бўлмайди адо.

Бу парчадан ҳам кўриниб турибдики, шеърда ритм, тўроқ, қофия, оҳанг сақланган, Муаллиф баҳор келаётганини, баҳор билан бирга дилларга ажиб бир наво, ҳиссиёт, дарёдек севинч ошно бўлаётганини оҳангга солишга уринган. Лекин фикрини бадиий гўзал мисралар, образлиликлар орқали ифодалашда бироз оқсайди. Агар чинакам ҳаракат қилса, машқни кучайтирса, дурустгина шеърлар ёзишига умид-вормиз. Бу фикр барча ўқувчи қизлар шеърига тааллуқли. Аммо ўқувчи ўсмирлар шеърида камчиликлар кўп. Ҳали улар тўроқ, қофия ва оҳангни ҳам яхши билишмайди.

Қўлимизда яна бир талай хат бор. Улар турли касб эгалари. Тошкентлик бухгалтер Ҳалил Содиқовнинг «Рубойилар», «Тўртликлар», шофёр Акбар Акромовнинг «Тошкент метроси», «Онамни эслаб», самад Гулбоев, бекободлик Карим Мавлонов, Ашурали Ҳамроев, Орзумурод Ҳамроев, Ҳасан Отақулов, янгийўллик Абдураззоқ Каримов, Юқори Чирчиқ районлик Собир Ўрмонов, Қуйи Чирчиқ районлик Аҳмад Йўлдошев, оханғронлик Анзират Маматхонова, ангренлик Жамолхон Камолхонов, пискентлик Саъдуллахон Муҳиддинов, Раим Козимов, Абдумалик Маллахўжаев, тошкентлик Абдумаънон Қодиров, Илҳом Отақўзиев, Зафар Алимов, Бекназар Ҳидиров ва бошқаларнинг изланишлари хусусида ҳам ана шундай маълум даражада ижобий томонларни айтиш билан бир қаторда умумий тасвирдан нарига ўтолмаётганликларини таъкидламоқ лозим.

Биз асосан ўз устида қунт билан ишласа, келажакда илҳом дақиқаларининг бадиий маҳсулини ўқувчиларга етказиши мумкин бўлган ёшлар борасида фикр юритдик. Лекин редакция ходимларининг қимматли вақтларини ўғирлаб, овора қилишдан нарига ўтмаётган «сермаҳсул қаламкаш»лар ҳам йўқ эмас. Уларга хат орқали юборилган маслаҳатлар ҳам ўз таъсирини ўтказолмаяпти. Масалан:

Ишқ балоси нола чекиб,
Сен қайдасан, мен қайда.
Ваъдангни ким поймол қилиб,

Йўлингга чиққан жойда, — тўртликдан нимани тушуниш мумкин? Ваҳоланки бу «тўртлик»нинг муаллифи анча йиллардан буён республикамизнинг барча газета ва журналларига тинимсиз «шеърлари»ни юбориб, маслаҳатлар олиб туради. Шунча йилдан буён бирон хулосага келмоғи керак эди. Аммо олмалиқлик Қаршибой Норинбоев ҳамон «ижод» билан банд. Худди шунга ўхшаш мазмунсиз, ғализ ўқмалар тизмасидан иборат «шеърлар» қўлимизда анчагина. Уларнинг номларини санаб ўтирмадик. Ўйлаймизки; бизга хат юборганлар мана шу обзордаги таҳлил қилинган шеърлардан хулоса чиқариб, ўзларига тегишлисини қабул қиладилар.

Биз келаётган хатлар мавзуси ҳақида тўхталмадик. Зотан, шеърият ҳаёт гўзаллигини ҳақиқий шоирона тасаввур этиш орқали мавжуда келар экан, у қайси мавзуда бўлмасин давримизга, инсонларга хизмат қилади. Хатто севги ҳақидаги шеърларда ҳам давр нафаси, граждanлик нафаси жўш уриб турмоғи даркор. Шу сабабли ёш қаламкашлардан қайси мавзуда қалам тебратмасин, дилидаги гўзал туйғулар инъикосини халққа етказа оладиган ажойиб кашфлар ва бадиий бақувват шеърлар талаб қиламиз.

Э. МУҲАМЕДОВ.

ҲАВАСКОРЛАР ШЕЪРЛАРИГА ОБЗОР

Бир-бирин қўллаб қўйган дам
Тушди-ю, синди, оҳ... пиёла.

Бу шеърда қўл панжаларини бирлашган ва келишолмай қолган пайтдаги баёни орқали яхшигина фикр илгари сурилган. Унинг «Биринчи қадам», «Бир тўп болакай» ва бошқа шеърларида ҳам фалсафий фикр айтишга интилиш сезилади.

Шеъриятга қанча эрта иштиёқ туғилса, шеърият сирларини шунча тезроқ эгаллаймиз ва ижодий шакллaниш даврини эртароқ бошлаймиз. Шуниси қувончлики, редакциямизга келаётган хатларнинг кўпчилиги мактаб ўқувчиларидан. Уларнинг аксарияти қизлардир. Жумладан, газалкентлик ўрта мактаб ўқувчиси Клара Махамедованинг «Ўн еттинчи баҳор садоси», Калинин районлик 9-синф ўқувчиси Умида Ҳожиматованинг «Диёримга», «Ҳабибийга», «Ўлкамда баҳор», «Онажон», ангренлик ўрта мактаб ўқувчиси Тамара Матибрагимованинг «Баҳордан хабар», бекободлик 8-синф ўқувчиси А. Султоновнинг «Ўқитувчи», ангренлик ўрта мактаб ўқувчиси М. Мухамедовнинг «Байрамингиз муборак» ва бошқаларнинг шеърлари фикримиз далилидир. Клара Махамедова ўз шеърини шундай бошлайди:

«Ассалом», студентлардан Муҳаммадтурсун Юсуповнинг «Ғўзаллик ва нафрат», «Армонда эмасман», «Чаноқ», Болтабой Давлатовнинг «Ақиллайвер, ғингшийвер Султон», Ҳайитали Раҳмоновнинг «Соғинганда», «Терак», «Ойнинг боласи борми?», «Гилос», Сабоҳат Қизмонванинг «Муҳаббат», Лайло Муқимованинг «Бахтли Ватаним», «Ёшлик баҳори», «Ҳисорнинг кўрки», Зокиржон Маъсуповнинг «Партиям», «Капалак», «Кўзлар», «Ой», Ботир Холмуродовнинг «Дил қўшиғи», Абдимўмин Саъдуллаевнинг «Кел, мени қалбингга яширгил», Ҳ. Холлиевнинг «Саккизликлар», Хосият Умарованинг «Сиздан қувнайман, дўстлар», «Инсонлар абадий тин олмасинлар», Ҳалима Усмонованинг «Дўстлик», «Муҳаббат», Собир Егоровнинг «Қалбим — менинг қанотим», «Довюрак фазогирлар», «Онагинам» сарлавҳали шеърлари шулар жумласидан. Уларнинг машқларида илҳом дақиқаларини мисраларга жойлашга уриниш, изланиш, янги гап айтишга иштиёқмандлик бор. Баъзи бир шеърларда маълум ютуқлар ҳам қўлга киритилган. Лекин ҳаммаси ҳам умумий тасвир, қайтариқ, бадиий нуқсонлардан ҳоли эмас.

Калинин районлик Жамила Харасова, оққўрғонлик Абдуллажон Ғозиев, Ангрен шаҳар 1-ўрта мактаб ўқувчиси Ирода Ҳамидова, Ангрен шаҳар 2